FARG‘ONA VILOYATI OLTIARIQ TUMAN HOKIMINING

QARORI

2022 - yil 13 - dekabr 325-11-151-Q/22 Oltiariq tuman hokimligi

Олтиариқ туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан Олтиариқ тумани худудидаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокими ўринбосари (К.Тожиев):

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда қабристонларни зарур даражада сақлаш ва ободонлаштириш ҳамда ҳашарлар, хотирлаш кунлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

санитария қоидалари ва меъёрларига қатъиян риоя этган ҳолда қабристонларни очиш ва ёпишда қонунийликни таъминласин, қабристонлар ташкил этиш учун ер участкаси ажратишни ер тўғрисидаги қонун

ҳужжатларига мувофиқ амалга оширсин.

3. Туман Ободонлаштириш бошқармаси ҳамда қабристонларнинг маъмурияти:

хизматлар учун қатъиян белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда фуқароларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга доир буюртмаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

қабристонларда бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатиш, объектларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминласин.

4.Туман ҳокимининг 2022 йил 20 апрель кунги 82-11-151-Q/22 сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

5. Ушбу қарор “Давр овози” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари К.Тожиев зиммасига юклансин.

Олтиариқ тумани ҳокими **Ш.Турдалиев**

Oltiariq tuman hokimining
2022 yil 13 dekabrdagi
325-11-151-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Олтиариқ туманидаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдори (базавий ҳисоблаш миқдори ҳисобида)

сўм

Т\р	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Туманлар
1.	Гўр қазиш 12 ёшдан юқори	1 ўринга	БҲМ 50 фоизи
2.	Гўр қазиш 3-12 ёшгача	1 ўринга	БҲМ 40 фоизи
3.	Гўр қазиш 3 ёшгача	1 ўринга	Бепул
4.	Тегишли диний конфессия қабристонида вафот этган яқинлари ва қариндошларини дафн этиш учун участка олиш	1 ўринга	бепул
5.	Маросим хизматларидан фойдаланиш	1 кунга	бепул
6.	Қабрга ва қабр усти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан фойдаланиш	1 ўрин/кунга	бепул